

ПРАГМАТИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ КОРПУСЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Назарова Нодира Гуломжоновна

Фарғона политехника институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7770838>

Аннотация: Ушбу тезисда прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг дидактик тамойиллар ҳақида мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: прагматик, технология, тамойил, дидактик, ахборотлаштириш.

Прагматик компетенцияни корпусли технологиялар асосида шакллантиришнинг модели учун тамойилларнинг самарали тизимини аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Шундай қилиб, биз тамойилларнинг қуйидаги рўйхатини таклиф этамиз:

- а) дидактик тамойиллар:
 - фаоллик тамойили;
 - мавжудлик/осонлик ва таҳсил олувчининг уддасидан чиқа олишига қаратилганлик тамойили;
 - онглилик тамойили;
 - ўқитишнинг (таҳсил олишнинг) автономлиги тамойили;
 - ўқитишни ахборотлаштириш тамойили;
- б) методик тамойиллар:
 - ўқитишнинг коммуникатив йўналтирилганлиги;
 - хорижий тилларга ўқитишга дифференциация қилинган (табақалаштирилган) ёндашув тамойили;
 - кўргазмалилик тамойили;
 - янгилик тамойили;
 - ўқув хорижий тил фаолиятининг аппроксимацияси тамойили;
 - мослшув/адаптацион жараёнларни ҳисобга олиш тамойили;
 - тизимлилик тамойили;

Ушбу тезисимизда дидактик тамойилларни қисқача таҳлил қиб кўрамиз. Дидактик тамойиллар орасидан *фаоллик тамойилидан* бошлаймиз. Ушбу тамойил талабалар ўқув фаолиятига жалб этилганликларининг кўрсаткичи ҳисобланади. Бизнинг ўқитиш методикамиз доирасида таҳсил олувчиларнинг нофаллигига йўл қўйиб бўлмайди, зеро методика изланиш-тадқиқот фаолиятини назарда тутали. Талабалардан мухторликни/автономияни, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш қобилиятини намоиш қилиш кутилади. Ўқитувчи ўқув жараёнининг талабаларнинг мотивацияси даражасини қувватлаб турадиган модератори ролини бажаради. Бу ерда таҳсил олувчиларга нисбатан шахсга қаратилган ёндашувни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Мавжудлик/осонлик ва таҳсил олувчининг уддасидан чиқа олишига қаратилганлик

тамойили бизнинг методикамизга киритилган навбатдаги тамойил ҳисобланади. У берилаётган материалининг талабаларнинг тайёрланганлигининг жорий даражасига адекватлигига ишонч ҳосил қилишимиздан иборат. Тескари вазият эса талабаларнинг рағбатлантирилганлик даражасида шубҳасиз таъсир қилади. Таклиф қилинаётган материалининг нафақат мураккаблиги даражаси ёки, яхшироқ қилиб айтганда, осонлик/қийинлигини, балки шунингдек, уни ўқитиш методикасининг қўллаш учун осонлагини ҳам ҳисобга олиш мумкин. Материал ҳажми ва ўрганиш суръатлари ҳам аҳамиятли омиллар ҳисобланади. Албатта, ўқитувчи ўта осон материални бериши каби яна бошқа тескари ҳолатнинг ҳам олдини олиш лозим. Бундай материал осон ва талаба/ўқувчиларнинг ўзлаштириш учун осон бўлса ҳам, у таҳсил олувчиларга ҳеч қанақа илгари бориш/тараққий қилиш имконини бермайди, ва бу шунингдекке ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун мувозанат ёки тилла ўрталикни топиш зарур. Бунга, масалан, талабаларнинг жорий даражасини баҳолаш учун кириш тестини қўллаш билан эришиш мумкин.

Кўп ҳолларда *онглилик тамойили* фаолли ктамойили билан бир тўплам/боғламда/биргаликда келади, шунинг учун у шунингдек ҳар қандай ўқитиш методикасининг фундаментал ва асосий/базавий тамойилларидан бири ҳисобланади. Таҳсил олувчиларнинг онглик муносабатини яратишда, уларнинг ўзлари (талабалар) ҳам, педагог ҳам иштирок этади. Педагогнинг роли ўқитиш давомида талабаларни мотивациясини ва тушунишларини ташхис қилишдан иборат.

Таълимнинг мухторлиги тамойилида ҳам юқорида зикр этилган фаоллик ва онглик тамойиллари билан алоқани топиш мумкин. Ушбу тамойилнинг моҳияти педагогнинг талабанинг таълим олиши жараёнига/кечишига аралашувчи даражасини камайтириш билан ифодаланади. Ушбу тамойилни амалга оширишда таҳсил олувчидан мустақилликни намоиш қилиш талаб этилади.

Фундаментал дидактик тамойиллар сифатида ўрганилаётган тамойилларнинг сўнггиси *таълимни (ёки ўқитишни) ахборотлаштириш тамойилидир*. Ушбу тамойил бошқаларига нисбатан кейинроқ келадиган ҳисобланади. Шунга қарамай, замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар асрида у муҳим элемент деб ҳисобланади. Талабалар бундай шароитларга тайёр бўлишлари ва бу соҳада, жумладан таълим олишда муваффақиятга эришиш учун саводли бўлишлари зарур. Таълим муҳитида компьютер технологияларидан фойдаланиш кўплаб устунликларга эга. Рақамли технологиялардаги фойдаланмасдан туриб бизнинг тадқиқотимизни амалга ошириб бўлмас эди, ва албатта. Корпусли технологиялар уларнинг бир қисми ҳисобланади. Бундай технологияларнинг пайдо бўлиши таълимни ўзгартириб ва хилма хиллаштириш билан таълимда бутунлай янги ёндашувни яратди. Таълим тизимида ахборотлаштириш тамойилига энг юқори даражада жой берилган. Таълим соҳасининг барча даражаларида янада кенгроқ рақамлаштириш (цифровизация) ва ахборотлаштириш томонга ишлар амалга ошмоқда.

REFERENCES:

1. Сластенин В.А. и др. Педагогика Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е. Н. Шиянов; Под ред. В.А. Сластенина. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – 576 с.
2. Соломатина А.Г. Методика развития умений говорения и аудирования учащихся посредством учебных подкастов (английский язык, базовый уровень): автореферат дис. ... канд. пед. наук. М. : МГГУ им. М.А. Шолохова, 2011.
3. Сысоев П.В., Евстигнеев М.Н. Компетенция учителя иностранного языка в области использования информационно-коммуникационных технологий: определение понятий и компонентный состав // Иностранные языки в школе. 2011. № 6. С. 16–20.
4. Чернякова Т.А. Методика формирования лексических навыков студентов на основе лингвистического корпуса (английский язык, языковой вуз): автореферат дис. ... канд. пед. наук. М.: МГГУ имени М.А. Шолохова, 2012. – 149 с.